КИЧИК ҲАЛҚА ЙЎЛИНИНГ УЧИНЧИ НАВБАТИ ҚУРИЛИШИДА

ТВ «ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

АФСОНАДАН ЯРАЛГАН ҲАҚИҚАТ

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

ЗИЙРАК БОБО НИМА ДЕЙДИ?

ЎЙЛА, ИЗЛА, ТОП

ҲИКМАТЛАР ХАЗИНАСИДАН



ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 36 (9.839) / 2003 ЙИЛ 21 ФЕВРАЛЬ


## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

❑ **ЯПОНИЯ** ҳукумати Ўзбекистон телевидениеси билан ҳамкорлик қилиш мақсадида 40 миллион япон иени миқдорида грант ажратди. Эндиликда Японияда тайёрланган ҳужжатли ва бадиий фильмлар Ўзбекистон телевидениесида намойиш этилади.

❑ **ТОШКЕНТ** шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорликларида ташкиллаштирилган «Маҳаллам — фахрим» кўрик-танлови Низомининг тақдимоти бўлиб ўтди.

❑ **РЕСПУБЛИКА** меъда-ичак касалликлари марказига хориждан замонавий тиббий жиҳозлар келтирилди.

❑ **ШАЙХОНТОҲУР** туман халқ таълими бўлимида ўқитувчилар иштирокида ўтказилган йиғилишда ўқувчилар ўртасида «Томчи сувда ҳаёт жилваси» кўрик-танловининг туман босқичини ўтказиш масаласи муҳокама қилинди.

❑ **ШАЙХОНТОҲУР** туманидаги 324-мактабда ўқитувчилар иштирокида бўлиб ўтган тадбир ўтган йилги тест синовлари якунларига бағишланди.

❑ **БУНДАН** 10 йил муқаддам Республика Ички ишлар вазирлиги итчки қўшинлар бошқармаси қошида намунали оркестр ташкил этилганди. Пойтахтимизда ушбу оркестр ижодий фаолиятига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

❑ **«ТУРКИСТОН»** саройида «Азиз она юртим наволари» қўшиқлар кўрик-танловининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

❑ **ПОЙТАХТДАГИ** касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари иштирокида бўлиб ўтган тадбир коллежларда меҳнат таълимидан сабоқ беришнинг янгича йўналишлари ҳамда ўқувчиларни меҳнат бозорига ўргатиш масалаларига бағишланди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## ОЛДИНДА ШАҲАР БОСҚИЧИ

Шаҳримизнинг ўн битта туманида Тошкент шаҳар ҳокимлигининг соврини учун ўтказилган «Ташаббус—2003» кўрик-танлови ўз ишининг моҳир усталари — тадбиркор ва ҳунармандларнинг фаолиятлари билан кенгроқ танишиш, иш тажрибалари билан ўртоқлашиш каби кўплаб имкониятлар яратгани, шубҳасиз.

Мазкур танлов туманларда 4 босқичда олиб борилди ҳамда «Энг яхши тадбиркор» ва «Энг яхши ҳунарманд» номини олганлар «Ташаббус — 2003»нинг шаҳар босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

**СУРАТЛАРДА:** **шаҳримиз туманларида ўтказилган «Ташаббус—2003» кўрик-танловидан лавҳалар.**











**Шу йилнинг 2-4 март кунлари «Ўзбекистон» спорт мажмуида эркин ва юнон-рум кураши бўйича Гран-при туркумига кирувчи «Мустақиллик кубоги» анъанавий халқаро турнири ўтказилади.**

## Дунё полвонлари яна Тошкентга келади

Олтинчи маротаба ўтказилаётган ушбу мусобақада АҚШ, Россия, Жанубий Корея, Германия, Япония, Қатар, Австрия каби ўн етти мамлакатдан келган икки юзга яқин спортчи гиламга чиқади.

Таъкидлаш лозимки, ўзбекистонлик спортчилар учун мамлакатимизда ва хорижда ўтказилаётган мусобақалар жаҳон ва қитъа биринчилигига тайёргарлик вазифасини ўтайди. Вакилларимиздан келаси йили Афинада бўладиган Олимпиадада иштирок этиш учун имкон қадар кўпроқ йўлланмаларни қўлга киритиш талаб этилади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## Истеъдод ёғдуси

**Тошкентдаги «UZBEK-АРТ» галереясида мусаввир Шаҳноза Абдуллаеванинг шахсий кўргазмаси очилди. Кўргазма Словакиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ташкил этилди.**

— 2003 йилни Ўзбекистонда Словакия йили деб аташ мумкин, — деди кўргазма очилишида сўзга чиққан Словакиянинг мамлакатимиздаги мувакқат ишончли вакили Петер Юза. — Негаки, Ш. Абдуллаева шахсий кўргазмасининг ташкил этилиши элчихонанинг жорий йилда ўтказилиши режалаштирилаётган тадбирларининг дебочаси ҳисобланади.

**«Туркистон-пресс»**

## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

● **Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда шаҳримизда «Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари» мавзуида илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди.**

● **Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ҳамда Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим котибияти ташаббуси билан Олий Мажлисда Ўзбекистон қонунчилигида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим моддаларининг амалиётига бағишланган халқаро анжуман ўтказилди.**

● **Республикамизда фаолият кўрсатаётган барча сиёсий партиялар вакиллари Конрад Аденауэр фонди ва Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази томонидан уюштирилган давра суҳбатида қатнашишди. Тадбирда Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг истиқболлари тўғрисида сўз борди.**

● **«Бухоромебель» акционерлик жамиятида болалар учун спорт анжомларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.**

● **«Жиззах отчопари» акционерлик жамияти қошида болалар ва ўсмирлар от спорти мактаби ташкил этилди.**

● **Бешариқ туманидаги плёнка ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонада «Шўртангаз—кимё» комплексидан олинган хом ашё асосида маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилди.**

● **Бугун республикамиз пойтахтида ҳаво булутли бўлди. Кундузи ҳарорат 9-11 даража илиқ бўлди.**

### Жаҳонда

● **Биринчи халқаро термоядровий реактор 2013 йилда Япония, Канада, Франция ёки Испания мамлакатларидан бирида қурилади.**

● **АҚШ яқин кунлар ичида БМТ Хавфсизлик Кенгаши муҳокамасига Ироқ бўйича янги резолюция лойиҳасини тақдим этади.**

● **Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, Арманистонда ўтказилган президент сайловларида мамлакатнинг амалдаги раҳбари Роберт Кочарян сайловчиларнинг 48 фоиз овозини тўплаган ҳолда етакчилик қилмоқда.**

● **Кеча Шимолий Корея ҳарбий-ҳаво кучларига қарашли МиГ-19 қирувчи самолёти Сариқ денгиздаги КХДР билан Жанубий Корея ўртасида жойлашган ҳаво ҳудудини кесиб ўтди. Жанубий кореялик маъмурлар ушбу ҳодиса юзасидан текширув ўтказишни мўлжаллашмоқда.**

# ДЕМОКРАТИЯ – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

## 11. Тўртинчи устувор йўналиш: инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг тўлиқ таъминланишига эришиш учун, аввало, Конституцияда белгилаб берилган сўз ва матбуот эркинликларини, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамойилларни қоғоздагина эмас, амалий ҳаётда жорий қилиш лозим.

Оммавий ахборот воситалари – матбуот ва радио-телевидениенинг чинакамига «тўртинчи ҳокимият» даражасига кўтарилиши ҳақиқий демократик жамият барпо этишнинг талабларидан ҳисобланади. Лекин бизда йиллар давомида оммавий ахборот воситалари қаттиқ мафкуравий ва маъмурий назорат остида фаолият олиб борган. Шунинг учун психологик жиҳатдан уларнинг ўзини том маънодаги эркин ахборот тизими сифатида ҳис этиши қийин кечаётир.

«Тўртинчи ҳокимият» дегани нима маънони англатади?

Бу саволга жавоб бериш учун аввал олдинги уч ҳокимият нима эканини яхшилаб тушуниб олиш шарт. Демократик давлат жамиятдаги ҳамма нарсага аралашмайди, у ўз вазифаларини чегаралаб олади. Бу чегарага кирадиган вазифалар учга бўлинади:

**1. Қонун чиқарувчи ҳокимият**. Бунга парламент, яъни бизда Олий Мажлис киради. Бу давлат органи халқ тарафидан ёпиқ овоз бериш йўли билан альтернатив асосда сайланган депутатлар иштирокидаги сессияларида қонунлар қабул қилади.

**2. Ижроия ҳокимият**. Буни «ҳукумат» атамаси билан юритиш ҳам бор. Бизда Вазирлар Маҳкамаси ва унга қарашли вазирлик ҳамда бошқа ташкилотлар ҳукуматни ташкил этади.

Демак, давлатнинг бир органи қонун қабул қилади, иккинчи органи шу қонунларнинг ижросини таъминлайди.

Хўш, қонун ва ижро ўртасида номутаносиблик, қарама-қаршилик келиб чиқса, бу масала қандай ечим топади?

**3. Суд ҳокимияти**. Давлатнинг бу органи, содда қилиб айтганда, айнан ана шундай муаммолар ечимини топиб бериш билан шуғулланади. Яъни қаердаки шундай муаммо туғилса, судга мурожаат қилинади. Суд қонуннинг бузилган-бузилмаганлиги, бузилган бўлса, унинг даражаси, қолаверса, у ё бу тарикдаги қонунбузарлик ёхуд жиноятнинг тегишли жазосини беришга ҳукм қилади.

Бироқ суд фақат қонун бузилганлиги факти билан ишлайди, деб тушуниш ҳам бир томонламалик бўлур эди. Қайсидир масалада қонун муттасил бузилаверса, суд жараёнлари натижаси у ё бу қонуннинг эскирганлиги, ҳаётда уни ўзгартириш ёки янги қонун қабул қилиш зарурати пишиб-етилганини ҳам билдиради. Айтиш мумкинки, суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ҳокимият билан ижроия ҳокимияти ўртасидаги мувозанатни сақлаб туришга хизмат қилади.

**Хўш, «тўртинчи ҳокимият»га қандай вазифа қоляпти**?

Демократик жамиятда оммавий ахборот воситалари эркин бўлиши, яъни давлат назоратидан холи ҳолда фаолият олиб бориши лозим. Матбуот ва радио-телевидениенинг давлат таркибига кириши якка мафкура ҳукмрон бўлган тузумларга хос ва бу тараққиётга зид эканини тарих тасдиқлаб турибди. Шунинг учун образли қилиб, яъни рамзий маънода «тўртинчи ҳокимият» дейилади. Бу шу маънодаки, оммавий ахборот воситалари, гарчи давлат назоратидан холи, эркин фаолият олиб борса ҳам, давлат ишларига худди бир давлат органи даражасида кўмак бериши керак. Оммавий ахборот воситалари чинакамига халқ ўз фикри ва нуқтаи назарини очиқ ва эркин баён қиладиган, керак бўлса, давлат органлари фаолияти тўғрисидаги, хоҳ ижобий хоҳ танқидий бўлсин, фикри – баҳосини очиқ-ошкор айтадиган минбар бўлиши зарур. Модомики, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасида: «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир»[4], – деб ёзиб қўйилган экан, давлат халқнинг фикрини эшитишга, инобатга олишга, яъни ўз фаолиятини халқнинг талаби асосида йўлга қўйишга мажбур. Оммавий ахборот воситалари ана шу талабларни ўртага ташлайдиган минбар бўлгани учун ҳам «тўртинчи ҳокимият» деб таърифланади.

Президент Ислом Каримов шунинг учун ҳам ўз маърузасида бу ҳақда: «Таъбир жоиз бўлса, жамоатчилик фикри – фуқаролик жамиятининг ҳолатини ўзида аниқ акс эттирадиган бамисоли бир кўзгу», – деди. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари бизда жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳам, уни шакллантириш ҳам яхши йўлга қўйилмаганини қайд этди.

Президент яна бир муаммони жиддий қилиб қўйди. Бу – фуқаролар сиёсий фаоллигини ўстириш, уларнинг сиёсий, ижтимоий ва давлат ҳаётидаги фаол иштирокига эришиш масаласи.

Бунинг учун мамлакатимиздаги сиёсий партия ва ҳаракатлар фаолиятини ҳозирги заиф ва мўрт ҳолатдан олиб чиқиб, ривожланган демократик давлатлар даражасидаги кўппартиявийлик, демократик парламентаризм тизими, ижобий сиёсий рақобат муҳитини қарор топтириш зарурати борлиги таъкидланди.

Келажакда икки палатали профессионал парламент тизимига ўтиш ва қуйи палатага, асосан, партиялар томонидан тақдим этиладиган рўйхатлар бўйича сайлов ўтказиш бунинг учун катта имкон яратиши шубҳасиз. Шу мақсадда сайловлар тўғрисидаги қонуннинг қоидаларини жиддий қайтадан кўриб чиқишга тўғри келади.

[4] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 1992. 10-бет.

(Давоми келгуси сонда)

**Пойтахтимизда Кичик халқа йўлини бунёд этиш ишларининг учинчи — мураккаб босқичига қадам қўйилди. Мазкур объектнинг буюртмачиси — шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси Қурилиш объектлари дирекцияси бош муҳандиси Виктор ПРИХОДЬКО билан суҳбатимиз Кичик ҳалқа йўлининг учинчи навбатидаги лойиҳалар хусусида бўлди.**



# Кичик ҳалқа йўли: қурилиш давом этмоқда

— Жорий йилда Кичик ҳалқа йўлининг учинчи навбатида пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмига кирувчи Уйғур ва Улуғбек кўчалари кесишувида транспорт ечимини қуриш ишлари бошланди, — деди бош муҳандис сўз бошлаб,— ҳозирда Уйғур кўчасининг Зиё Саид кўчаси билан туташган жойидан Улуғбек кўчасигача бўлган масофада йўлни кенгайтириш мақсадида бузиш ҳамда қурилиш ишлари биргаликда олиб борилмоқда. Хусусан, ер ости харитасига кўра, қурилиш ишларининг мураккаб гидрогеологик шароитда олиб борилишини инобатга олган ҳолда, сув, газ каби муҳандислик иншоотларини қайтадан ётқизишга тўғри келади.

**— Лекин юқори қувватли электр симларини қайтадан ўтказишдан мураккаброқ иш бўлмаса керак?**

— Дарҳақиқат, Улуғбек кўчасидан ўтган пойтахтнинг аксарият нуқталарини электр қуввати билан таъминловчи темир устунларидаги юқори қувватли электр симларини ҳам бироз кўчириш, яъни 20 метр баландликка кўтариб бошқатдан устунларга тортиш керак бўлади. Юқорида айтиб ўтилганидек, бу ишларни бажариш осон эмас албатта, лекин мутахассис қурувчиларнинг бу борада тажрибаси етарли деб ҳисоблайман. Дарвоқе, «Ўзэнергоқишлоққурилиш» ташкилоти бошчилигида юқори қувватли электр симларини қайта қуриш ишлари «Электрқишлоққурилиш» тресли ва «Элеком» фирмаси томонидан бажарилади.

**— Бу борада кўп лойиҳалар кўриб чиқилган бўлса керак. Шундай бўлсада, тақсимловчи юқори қувватли йўлни ер остидан олиб ўтиш афзал эмасми?**

— Мутахассислар томонидан бундай фикр билдирилганди. Аммо бу катта харажатлар билан боғлиқ эканини инобатга олиб, ҳозирча кичик масофада — фақат икки кўча туташган жойда темир устунларни кўтариб йўлни кенгайтириш лойиҳаси тасдиқланди. Айтиб ўтиш жоиз, юқори қувватли электр симларини ташқаридан кабелга олиб ер остидан ўтказиш режалари ҳам йўқ эмас.

**— Маълум бўлишича, бу ерда икки қатламли автомобиль йўли қурилар экан...**

— Шундай. Ушбу объектга бош лойиҳачиси «Тошбошрежа» лойиҳалаш илмий-тадқиқот институти билан биргаликда ер ости қурилиш ишлари бўйича «Метролойиҳа» институти мутахассислари ҳам жалб этилган. Бу ташкилотлар лойиҳасига асосан Уйғур — Улуғбек кўчалари туташган жойда эстакада — икки қаватли ер ости ва ер усти транспорт йўли қурилади. Энига олти қатор транспорт йўли, яъни 24 метрга кенгайтирилган Уйғур кўчаси ер остига тушса, саккиз қатордан иборат Улуғбек кўчаси ер устидан ўтади. Кичик ҳалқа йўли бетўхтов магистраль транспорт йўли ҳисобланади, шу боисдан бу ерда йўловчилар учун алоҳида ер ости йўли — иккита ўтиш жойи қурилиши режалаштирилган.

**— Йўллар кенгайтирилиши муносабати билан анча-мунча объектлар «қизил чизиқ»қа тушиши шубҳасиз, шу жумладан хонадонлар ҳам. Бу масала қандай ечимини топмоқда?**

— Кичик ҳалқа йўли қурилиши нафақат пойтахтимиз, бутун республикамиз учун ўта муҳим ҳисобланади. Йўлни кенгайтириш масаласи долзарб бўлгани сабабли қанчалик оғир бўлмасин, баъзи жойларда тўла бузиш ишларини амалга оширишга тўғри келмоқда. Хусусан, савдо, хизмат кўрсатиш объектлари қаторида Шофайз кўчасидаги бир нечта хусусий хонадонлар ҳам йўл қурилиши устига тушади, аниқроғи бузилади. Келишилган ҳолда ушбу хонадон эгаларига Жарариқ мавзесидан ер майдонлари ажратилиб, қурилиш материаллари билан таъминланишида харажатларни қоплаш масаласи ҳал этилмоқда. Бундан ташқари, хоҳловчиларга кўп қаватли турар-жойлардан хонадонлар ажратиш ҳам режалаштирилган.

Шайхонтоҳур ва қисман Акмал Икромов туманини қамраб олувчи бу қурилиш объекти бўйича иккита маҳалла идорасини ҳам бузишга тўғри келгани сабабли янгисини қуриш режалаштирилди. Жумладан, Уйғур-Улуғбек кўчалари чорраҳасидаги қурилиши битмаган бино эндиликда Ойдин Собирова номли маҳалла тасарруфига ўтказилиб, бу ерда маҳалла марказини қуриш ишлари олиб борилмоқда. Лойиҳа бўйича марказда спорт мажмуаси ҳам кўзда тутилган.

**— Уйғур кўчаси ҳақиқатан жуда тор, шу билан бирга бу ердан Кўкча канали ҳам оқиб ўтади. Йўлни кенгайтириш оқибатида табиий сув ҳавзасига зиён етмасмикан?**

— Ҳозирда Зиё Саид кўчасигача бўлган масофада дарахтлар буталаниб, Кўкча каналини бироз кўчириш ишларига тайёргарлик кўрилмоқда. «5-механика колоннаси» тресты томонидан Шофайз бекатигача канал сувларини эни 180 сантиметрли параболик шаклдаги бетон ариқлардан ўтказиш режалаштирилган. Тажриба шуни кўрсатадики бетон қопламали ариқлар лойқаланмайди ҳамда балчиқлашмайди, демак тозалаш ҳам қулай бўлади.

Айтиб ўтилган ишларни шу йилнинг август ойига тугатиш режалаштирилган. Кейинчалик Кичик ҳалқа йўлини давом эттириш билан бир қаторда Уйғур кўчасини Навоий кўчасигача қайта таъмирлаш мўлжалланган. Қилинадиган ишлар кўп. Уларнинг оғир-енгиллигига келсак, қурувчиларимиз кўп нарсага қодир. Бунга шаҳримизда кейинги йилларда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ёрқин далил бўла олади. Бир муҳим нарсани ҳар доим ёдда тутиш лозимлигини эслатиб ўтмоқчи эдим. Нимаики қилинаётган бўлса шаҳарнинг ривожланиши, яшариши ва аҳолига қулайлик яратиш мақсадида амалга оширилмоқда.



**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА суҳбатлашди.**

**СУРАТЛАРДА: Мурод Ҳилолов (чапдан), Саидислом Ҳамидов, Дилшод Бобоевлар бу юмушларда фаол иштирок этишмоқда; Шофайз кўчасида йўлни кенгайтириш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Ота-оналик ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳақида маълумот берсангиз.**

**Ж. Усмонова.**

Ота-она болани қонунга асосланмасдан ушлаб турган ҳар қандай шахсдан унинг қайтарилишини талаб қилишга ҳақли. Низо чиққан тақдирда, ота-она ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишлари мумкин. Бу талабларни кўришда суд болани ота-онасига қайтариш унинг манфаатларига зид деган хулосага келса, боланинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ота-онанинг даъвосини рад қилишга ҳақли.

Агар суд ота-она ҳам, болани ўз қарамоғига олган шахс ҳам болага лозим даражада тарбия беришни ҳамда уни камолотга етказишни таъминлай олмайдилар, деб топса, болани васийлик ва ҳомийлик органи қарамоғига олиб беради.

* * *

**Менинг касбим қурувчи. Яқинда ишдаги эҳтиётсизлик оқибатида оғир шикастландим. Айтингчи, ишдаги шикастланиш оқибатида ногирон бўлиб қолган ходимга товон пули тўланадими?**

**Ф. Тўхтаев.**

Меҳнат Кодексининг 189-моддасида иш берувчининг ходим соғлиғига етказилган зарарни тўлаш мажбурияти кўрсатилган. Ушбу моддага кўра ходимнинг соғлиғига меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки у ўз меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли етказилган зарарни иш берувчи (яъни ходим ишлаётган корхона) тўлиқ ҳажмда тўлаши шарт.

Тўланиши лозим бўлган зарар жабрланувчининг, яъни шикастланган ходимнинг меҳнатда майиб бўлишига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида, унинг меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўловда, соғлиғига шикаст етиши билан боғлиқ қўшимча харажатларнинг компенсациясидан ва айрим ҳолларда — бир йўла бериладиган нафақа тўлашдан иборатдир.

Шикастланган ходим ногирон бўлганлиги туфайли ногиронлик пенсиясини олиш ҳуқуқига эга: «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 66-моддасига кўра, тайинланган пенсияларни тўлаш бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобида амалга оширилади.

* * *

**Арпабодиён — шифобахш гиёҳ деган сўзларни тез-тез эшитиб қоламиз. Шу тўғрида маълумот берсангиз.**

**М. Қорахўжаева, У. Ботирова.**

Арпабодиён дамламаси меъдаичак касалликларини даволовчи, иштаҳа очувчи, чанқоқни босувчи, ўт ҳайдовчи, терлатувчи ва енгил сурги дори сифатида ишлатилади. Арпабодиён мевасининг қайнатмаси тана ҳарорати кўтарилганда, асабийлашганда, қорин дам бўлганда ичилади. Арпабодиён билан анжир қайнатмаси истеробли йўтал ва нафас қисишига малҳамлик қилади.

Арпабодиён меваларидан уй шароитида дамлама тайёрлаш учун 1 чой қошиқ ўсимлик меваси 1 стакан қайноқ сувга солинади ва бир соат давомида тиндирилиб қўйилади, совигандан сўнг сузиб олинади. Дамлама учга бўлиниб, кун давомида ичилади.

Арпабодиён май-июль ойларида гуллайди, меваси августда етилади. Уруғи тухумсимон, сертук бўлади. Меваси қўшалоқ пистадан иборат.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 132-11-39 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.**

**• ШАРҚ АФСОНАЛАРИ**

## Дутор

Афсоналарда айтилишича, дуторни Шарқда Арасту номи билан машҳур бўлган улуғ юнон олими Аристотель яратган эмиш. Дутор яратилишига қуйидаги воқеа сабаб бўлган экан. Арасту яшаган даврда ҳамма чолғулар баланд товушли, даранглаган садо берар экан. Арасту эса ёқимли ҳазин товушни эшитгиси келар экан. Кунлардан бир кун тут тагидан ўтиб кетаётганда баргидан ҳосил бўладиган ипак кўз олдига келибди. Баргидан шундай майин, тола чиқарадиган бу дарахтдан чолғу асбоби тайёрланса қандай садо берар экан? — деб ўйлабди.

Арасту чолғу ясашга ҳаракат қилибди. Чолғуни ўйлаб, ўлчаб шаклини ҳам топибди. Бир неча кун чопиб, рандалаб тайёр ҳам қилибди. Сўнг ип тортиб чалса ҳеч овоз чиқмас эмиш. Шунда у яна ўйлаб-ўйлаб кўчага чиқиб ўтирибди. Бир маҳал қараса, бир хушовоз йигит дилрабо ашула айтиб ўтаётган экан. Арасту унинг овозини эшитиб: «Хўп ҳам овози бор эканми? Мен ясаган чолғу ҳам шундай оҳанграбо товуш чиқарса», деб ўйлабди.

Кеч бўлибди. Арасту уйга кириб ётибди. Бир вақт уйғонса, кўчадан бояги йигитнинг яна ашула айтиб ўтаётганини эшитибди. Бироқ энди йигитнинг овози равон эмас, бўғиқ эди. Арасту ҳайрон бўлиб кўчага чиқибди, ҳалиги йигитни тўхтатиб: «Боя, кундуз сен ашула айтиб ўтаётганингда овозинг жуда ёқимли эди, энди нега бўғиқ?» — деб савол берибди. Йигит эса кулиб: «Эй содда одам, боя тўйга кетаётган эдим, қорним оч эди. Энди тўйдан қайтаётибман, қорним тўқ», дебди. Шундан кейин Арасту ясаётган чолғуси косасининг ичини ўйибди. Унга симдан тор таққан экан жаранглаган овоз эшитилибди. Шунда у ўйлаб-ўйлаб тут дарахтининг баргидан эшилган ипак тор тақибди. Ипак тордан майин, мунгли садо таралибди.

## Танбур

Ривоят қилишларича, Арасту дуторни ихтиро қилгандан кейин уни бир неча вақт пинҳон тутган. Донишманднинг ўқувчиларидан бири бу чолғунинг овозини эшитишга ва уни кўришга жуда ҳам иштиёқманд бўлиб қолибди. Кунлардан бир куни устозининг уйига келса, эшик қулф эмиш. Шунда у эшикнинг тирқишидан мўралабди. Қараса, уйнинг орқасидаги туйнукдан офтоб тушиб, шифтга осиғлиқ чолғунинг расми деворга тушиб турган экан. Шогирд шу заҳотиёқ расмни қоғозга туширибди. Бироқ шифтга осилган чолғу кун тушаётган туйнукка яқин бўлгани учун унинг косасининг сояси кичикроқ тушиб турган экан, шунинг учун ҳам шогирд ясаган чолғу косаси дутордан кичикроқ бўлиб, ипак тор тортилганда овози чиқмабди. Кейин унга симдан тор таққан экан, ёқимли овоз чиқибди.

Танбур ҳақидаги афсоналардан яна бирида ҳикоя қилинишича, танбурни қадимги замонда яшаган юнон олими Алатун (Плутон) тут дарахтидан ясаган экан. Шунда тут овоз чиқариб: «Мен халққа ширин-шакар ноз-неъматлар берар эдим. Менга ҳаммаёқдан раҳматлар ёғилар эди. Энди мендан танбур ясашади. Кимки уни чалиб, қудратли табиатни мақтаса, шунда мен янгроқ, дилрабо садолар таратаман», дебди. Танбурнинг торлари у вақтларда ипакдан эшилган экан. Бу торлар садо чиқариб, шундай дебди: «мен ипак қурти эдим. Тут дарахти баргларини ердим, энди мендан тор қилишди. Уни танбурга тақишди ва ноҳун билан чертадиган бўлишди», деб йиғлаб юборибди. Шунинг учун ҳам танбурнинг садолари қайғули, майин, лирик жилваланаркан. Кейинги даврда ипак тор ўрнига сим тор тақишса ҳам танбурнинг овозидаги ноладорлик, маҳзунлик йўқолмабди. Ахир ипак торнинг нолалари танбурнинг қалбига сингиб кетган экан-да. Бу афсонага кўра Навоий замонида яшаган мусиқашунос дарвешали танбурни «тан» — «қалб, «бира» — чертиш. Яъни қалб торларини чертиш чолғуси деб атаган экан.

Танбур ҳақидаги афсоналардан бирида бу чолғу асбоби асли қовоқдан ясалган дейилади. «Тун» — аччиқ, «бира» — қовоқ деган маънони беради. Бу афсонага кўра, қовоқнинг аччиқ навини одамлар емас экан. Бу аччиқ қовоқ эса ширин қовоқларнинг истеъмол қилинаётганини кўриб, зор-зор йиғлар экан, Кунлардан бир кун одамлар ана шу аччиқ қовоқнинг ичини ёриб, ундан кутича қилишибди. Кутичанинг ичини беркитиб, унга сим торлар тортишибди. Кейин уни чертиб кўришса чолғу асбобидан қалбларни чертиб ўтувчи садолар чиқибди. Шунинг учун ҳам танбурнинг садолари майин ноладор экан. Бу афсона ўрта асрларда яшаган Бурҳонсиз исмли мусиқашунос китобида ҳам қайд қилинган.

## Гиря

«Гиря» гирён сўзининг турланиши бўлиб, йиғи маъносини англатади. Гиря куйи эса йиғламоқдан баттарроқ ҳолатдаги туйғулар нидосидек таралади.

Гиря куйининг келиб чиқиши ҳақида ёзма ривоятлар сақланиб қолмаган. Аммо кекса созандалар гиря куйи ҳақида ҳар хил ривоят қиладилар. Улардан баъзилар бу куй жуда қадим замонлардан бунёдга келган деб «Рустам достон»даги Рустам ва унинг ўғли Сухроб фожеаси ёки «Сиёвуш» афсонаси билан боғлайдилар.

Сиёвуш Кайковуснинг ўғли экан. Сиёвуш ўз ҳусни-жамоли билан ҳаммани мафтун қилади. Унинг жамолига ўгай онаси ҳам ошиқ бўлиб қолади. Сиёвуш ўгай онасининг эҳтиросини рад этиб, маломат ва туҳматга қолади. У ўз поклигини исбот қилиш учун катта аланга устидан от суриб ўтади. Кейин ўгай она даргоҳига қайтишни истамай, қаҳрамон Афросиёбнинг пойтахтига йўл олади. Афросиёб Сиёвушни яхши кутиб олади. Сиёвуш Афросиёбнинг қизига уйланади. Жангларда жасорат кўрсатади. Бироқ фитначи амалдорлар Сиёвуш билан Афросиёб ўртасида адоват туғдирадилар. Афросиёб Сиёвушни ўлдиради.

Бегуноҳ қатл этилган Сиёвуш қабрида ёзу қиш майса ўсиб, гуллар очилади, булбуллар сайрайди, сочларига барак тақиб ўйинга тушишади, куйлар чалишади. Бу куй ва қушиқлар «Муғи гирён» яъни «Қушлар йиғиси» номи билан халқ ўртасида кенг тарқалган. «Гиря» куйи ана шу қушлар йиғиси жумласидан, деб фараз қилинади.

**Анвар ИНОҚОВ тайёрлади.**

**Қўли гул усталаримиз томонидан тайёрланган халқ амалий санъати намуналари ёшларда доимо катта қизиқиш уйғотиб, санъат шайдолари қалбига илҳом бахш этади.**



# Мунажжимлар башорати

**24 февраль — 2 март**

**ҚЎЙ** (21 март— 20 апрель) — Ушбу ҳафта яхши хабарлар эшитиш билан бошланади. Касбий фаолиятингизда янги ҳамкорлар билан иш бошлайсиз.

**БУЗОҚ** (21 апрель—20 май) — Бу ҳафта турли майда гаплар билан бошланади. Кўп эътибор қилманг. Сизга тинчлик керак, дам олишни ўйланг.

**ЭГИЗАКЛАР** (21 май—21 июнь) — Ҳафта сиз учун омадли бошланади. Лекин бу узоққа чўзилмайди. Касбий фаолиятингизда бироз ўзгаришлар рўй бериши эҳтимол.

**ҚИСҚИЧБАҚА** (22 июнь—22 июль) — Ушбу ҳафтада баъзи муаммоларни ҳал этиб, кўнглингиз хотиржам бўлиши кутилмоқда. Соғлиғингизга эътибор беринг.

**АРСЛОН** (23 июль—23 август) — Ҳафта сиз учун кутилмаган воқеаларга, хурсандчиликларга бой бўлиши кутилмоқда. Ишда матонат билан ишлашга киришасиз.

**ПАРИЗОД** (24 август—23 сентябрь) — Ушбу ҳафта бироз нохушлик билан бошланади. Ўзингизни қўлга олинг ва чидамли бўлишга ҳаракат қилинг.

**ТАРОЗУ** (24 сентябрь—23 октябрь) — Ҳафта сиз учун омадли бошланади. Аммо касбий фаолиятингизда бироз сусташиб, тўсиқларга дуч келасиз.

**ЧАЁН** (24 октябрь—22 ноябрь) — Сиз учун бу ҳафта ажойиб янгиликларга бой бўлиб, моддий томондан хурсандчиликлар кутилмоқда. Кўпдан орзу қилган меҳмондорчиликка борасиз. Ишхонангизда рақобат ва муаммолар юзага келиши эҳтимол. Оилангизда тинчлик-осойишталик ҳукмрон.

**ЎҚОТАР** (23 ноябрь—21 декабрь) — Ҳафтангиз бироз нохушлик билан бошлансада, лекин иккинчи ярми турли иқтисодий ва оилавий муаммоларни ечишда қулай кечади. Бизнес соҳасида муваффақиятларга эришасиз.

**ТОҒ ЭЧКИСИ** (22 декабрь—20 январь) — Ушбу ҳафта оилангизда баъзи келишмовчиликлар юзага келиши кутилмоқда. Ўзингизни қўлга олиб, ақл билан иш тутинг. Ҳафтанинг ўрталари ҳаммаси ижобий ҳал бўлади.

**ҚОВҒА** (21 январь—19 февраль) — Сиз учун ажойиб ҳафта бошланади. Ҳафта ўрталари иқтисодий ишлар учун омадли келиши кутилмоқда. Ишда ҳамкорларингиз сизга кўмак беришлари мумкин.

**БАЛИҚ** (20 февраль—20 март) — Ушбу ҳафта оғир синовларни бошдан кечирасиз. Ўзингизни нохуш сезасиз. Лекин бу узоқ чўзилмайди. Моддий томондан яхши хушхабарлар эшитасиз. Вазиятни қўлдан бой берманг.

**• ЯНГИЛИКЛАР**

## Энг яхши воиз

**Ўқувчи, талабалар орасида «Мана бу домланинг дарси зерикарли» ёки «Мана бу ўқитувчининг дарсида ухлагим келади» каби гаплар тез-тез қулоққа чалинади. Бунинг бирдан бир сабаби баъзи ўқитувчи, домлаларимизда билим ва тажриба эмас, балки нотиқлик санъати ривожланмаганлигидир.**

Худди шундай камчиликларни бартараф этиш мақсадида Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги, республика «Маънавият ва маърифат» марказининг Мирзо Улуғбек тумани бўлими «Воиз» кўрик-танловини ўтказди. Унда туманда мавжуд олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, мактаблардан маърузачилар қатнашдилар. Ҳайъат аъзолари маърузачиларнинг нутқига, тингловчиларни жалб этиш маҳоратларига эътиборларини қаратдилар. Танловда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтининг доценти Раҳимбой Жуманиёзов ғолиб деб топилиб, шаҳар кўригига тавсия этилди.

Бу каби танловларнинг ўтказилиши дарслар сифатини яхшилаш, талабаларнинг билимга бўлган қизиқишларини оширишга хизмат қилиши аниқ.

**Ҳилола ТОЖИЕВА**

## Маълумотлар етказиб турилади

**Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Сейсмология институтининг халқаро илмий алоқалари кенгайиб бормоқда. Илмий муассаса ядро синовларини кенг кўламда тақиқлаш тўғрисидаги Шартнома ташкилоти билан ҳам яқин муносабат ўрнатди.**

Ушбу Шартнома ташкилоти делегациясининг Ўзбекистонга расмий сафар билан келиши ҳам айни муддао бўлди. Учрашувлар чоғида Ўзбекистонни мазкур нуфузли Ташкилотнинг аъзолигига қабул қилиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Шу муносабат билан Ташкилотнинг республикамизда миллий марказини очиш тадбирлари кўрилди.

Марказ Сейсмология институти ҳузурида фаолият кўрсатадиган бўлди. Бу эса ташкилотнинг Австрияда жойлашган Халқаро ахборот марказидан ер юзининг барча ҳудудларида содир бўлаётган зилзилалар тўғрисида таҳлил қилинган маълумотларни республикамизга етказиб туриш имконини беради.

**Акбар АЛИЕВ**

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиш доно бўлур...

• Қаноат қилсанг ҳамма нарсадан озод бўласан. Дунёга мафтун бўлма ва очкўзлик қилмагинки, тириклик мавсуми жуда қисқадир.

• Сендан юз ўгирган кишининг суҳбатига интилиш жоннинг қадрини ерга уришдир, суҳбатингни тилаган кишини қайтариш эса олижанобликка нуқсон етказишдир.

Искандарга дедилар:

— Агар Худойи таоло сенга ғалаба беришини хоҳласанг, кечирувчи бўл, чунки у кечиришни яхши кўради.

Ундан сўрадилар: «Сўзга усталик нима?»

Айтди: Қисқа сўзлаш, аммо маъносини бузмаслик.

Деди: Аблаҳ кишиларда дўстлик, ёлғончиларда садоқат бўлмайди.

**Байт:**

**Эй биродар, ҳеч қачон**
**ёлғон гапирма,**
**Чунки ёлғончи хор ва**
**қадрсиз бўлар.**
**Ёлғончилик кишини**
**шармисор қилар,**
**Ёлғончилик одамнинг**
**обрў-эътиборини кеткизар.**

Яна деди: Эй фалончи, либосни ўзингга лойиқ кий ёки сўзингга яраша кийим кий!

• Буқрот ҳаким деди:

— Агар киши ўз мукаммал эгалламаган илм ҳақида гапирмаса, одамлар орасида тушунмовчилик ва тортишув юз бермайди, жангу жадал олови сўнади.

Яна деди: Кўнглингиз душман деб ҳисоблаган кишидан эҳтиёт бўлинг!

Ҳақиқий маърифатга эришган комил одам шундай одамки, ундан нафақат дўстлари осойишта, балки душманлари ҳам тинч ҳаёт кечирадилар.

Яна унинг сўзларидан: Дунё йўл бошида ёқиб қўйилган оловга ўхшайди, кимки ундан бир оз олиб, ўз йўлини ёритишга сарф этса, фойда олади, кимки кўпроқ олишга интилса, куйиб қолиб, ўзига азоб беради.

**Байт:**

**Дунёда умринг бир кунчалик**
**ҳам эмас, шундай экан**
**Ўн йиллик ризқини сақлаб**
**нима қиласан?**
**Сенга тегишли ризқ**
**у ердан юборилади.**
**Сен ўша берилган ризқингнигина**
**бу ердан ололасан.**

• Азизим, ҳар қандай семиздан ботирлик умид қилиб бўлмайди ва ҳар қандай зўр овозли ва йўғон жуссаликдан қувват тама қилиш ноўриндир. Кўрганмисан, қамиш қанчалик йўғон бўлмасин барибир ингичка чўпдек синади, лайлакнинг қадди қанча катта ва баланд бўлмасин, бургут қўлида ожиз бўлиб қолади.

• Раҳм ва шафқат инсоннинг энг яхши фазилатларидан биридир. Раҳму шафқатли киши доимо одамларга ёрдам қўлини чўзади, ожиз ва нотавон кишилардан хабар олиб туради.

• Бир куни улфатлар даврасида Лайли ва Мажнун ҳақида суҳбат бўлибди. Шунда бир йигит: «Лайли унчалик гўзал эмас, нега энди Мажнуннинг дили унга шунчалик ром бўлган экан?» — деб қолибди. Шунда дўстлари: «Мажнунни ром қилган нарса Лайлининг чиройли жамоли эмас, балки чиройли хулқи!» — деб беришибди.

**Байт:**

**Дилраболар ошиқ аҳлин**
**ўлдирур тош дил билан,**
**Лек қайта тиргизур хушхулқу,**
**ширин тил билан!**
**Сен ғазаб бирла бирор филни**
**енголмассан бироқ,**
**Бўлса юмшоқлик уни ром**
**айлагунг бир қил билан!**

## ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН

Муҳаммад Авфий

# Жавомеъ ул-ҳикоёт

**(Давоми. Боши ўтган сонларда)**

Сен лутфан бир дам эримнинг ёнига кириб ёт, токи сенинг қизлигингни олсин. Шундан сўнг, сен ташқарига қайтиб чиқ, мен эса ўрнимга кирай. То тирик эканман, сенинг ҳақингни ортиғи билан узаман ва лутф-эҳсон қилишдан тўхтамайман», дедим. Канизак қабул қилди.

Ниҳоят, мени ётоқхонага олиб бордилар. Куёв киргач, мени хилватхонага олиб кирдилар. Иттифоқо, куёв шароб ичган эди. Мен баҳона қилиб ташқарига чиқарканман шамни ўзим билан бирга олиб чиқдим. Ўз безак ва кийимларимни канизакка бердим ва уни ичкарига киритиб юбордим. Куёв канизакдан ўз муродини ҳосил қилгач, мастлик уйқусига кетди. Мен ичкари кириб канизакка дедим: «Мени лутфан қутқаздинг, энди ташқарига чиқ!» «Эй нобакор, — деди канизак, — ўз номусингни барбод бериб, ўзингни яна ҳеч нима бўлмагандек тутасан. Боз устига муродингга етишмоқни ҳам хоҳлайсан. Мен ҳаргиз ўз эрим ва хожамни қўлдан чиқармайман!»

Мен бу сўзларни эшитиб ҳушим бошимдан учди ва шармандалик ҳамда расволик бошланди, деб канизакнинг кекирдагига чанг солиб, ўзимни куч билан унинг устига ташладим. Канизакни ерга йиқитиб, кекирдагини чунон сиқдимки, ётган жойида ўлди. Эрим ҳануз мастлик уйқусида эди. Канизакнинг жасадини унинг олдидан минг машаққатлар билан олиб чиқиб, ўтин тахлаган уйга қўйдим. Ичкаридан чироқни олиб чиқиб, ўтинларнинг тагига қўйдим. Дарҳол ўтинлар ёна бошлади. Мен эса уйдан чиқиб эримнинг ёнига кириб ётдим. Ёнғин кучайди. Одамлар уйғондилар. Канизак эса куйиб кул бўлган эди. Ёнғинни ўчирдилар. Сир пинҳонлигича қолди. Шу воқеадан бир неча йил ўтгач, отам вафот қилди.

Шундан сўнг, мен эримга: «Мендан қўлингни торт, мен ҳажга борурман!» дедим. Эрим мендан воз кечди. Мана шундан буён мен ўлдирилганларнинг ҳар бирининг номига бир марта пиёда ҳажга бораман. Зероки, худойи таолодан умидвордурман, шояд ўлдирилганларни ҳаж туфайли мендан хушнуд айласа. Ҳозирча ўн тўрт марта ҳаж қилдим. Буниси ўн бешинчисидир. Агар умрим боқий бўлса, бундан ташқари яна олти марта ҳаж қилурман», — деди.

Мен унга дарҳақиқат макр ва ҳийлада сенга тенглашадиган киши асло бўлмаса керак, дедим.

* * *

Ҳинд ерида бир паҳлавон бор эди. Унинг ҳуснда баркамол хотини бор эди. У шундай соҳибжамол эдики, юзининг шуъласидан ёруғ кун нур оларди. Сочининг қоралигидан тунлар узайиб, янада қоронғуроқ бўларди. Паҳлавон ўз хотинини ҳаддан ташқари севарди. Ҳатто, унинг сочини ўйнаб эсаётган шабададан ва юзига ўз нурини сочаётган қуёшдан ҳам рашк қиларди.

Иттифоқо, подшоҳ паҳлавонга бир муҳим топшириқ бериб, сафарга жўнатди. Паҳлавон жўнаб кетгач, унинг хотини дарича ёнига келиб, эрининг йўлига интизор бўлиб ўтирарди. Кунлардан бир кун, хотин дарича олдида ўтириб, катта йўлни томоша қиларди. Ногоҳ, ўша ерлик бараҳманлардан бири кўчадан ўта бошлади. Бараҳман ёш бўлиб, соқол-мўйлаби эндигина сабза урган, чиройли чеҳрали, латиф қоматли ва ниҳоят оппоқ оҳорли чодирни елкасига ташлаб олган эди.

Хотин пиёзга ўхшаш барг чайнаб турган эди. Бараҳманнинг оқ кийимини кўргач, оғзидаги баргни унинг кийимига туфлади. Бараҳман юқорига қараб кўрдики, гўё ой унга томон шафақ таратар ва қуёш марварид янглиғ тишлари орасидан лаъл сувларини сочарди.

«Бизнинг замонамизда бараҳманларнинг аҳволи шу даражага етибдики, хотинлар бараҳманларга туфлайдиган бўлиб қолибдилар. Мен энди ҳаром бўлиб, энди мени ҳеч қандай олов ҳам тоза қила олмайди, деб, чодирини ечиб ташлади. — Ҳозироқ ўзимни ўлдираман! Мазҳаб қоидаларини бузмоқ бизларга фойда бермайди. Агар бирор кишининг воситаси билан бараҳманнинг қони тўкилса, ўша хонадоннинг барчаси қирилмоғи лозим бўлади», деди.

Хотин бараҳманга такаллуфлар кўрсатиб уйга таклиф қилди. Тавба-тазаррулар билан, мендан ўринсиз гуноҳ содир бўлди. Илтифот юзасидан кечирсанг. Эвазига қанча мол-дунё истасанг бераман, деб ҳарчанд тавалло қилса ҳам, бироқ бараҳман чодирини кўкрагига қўйиб, мен албатта ўзимни ўлдиришим керак, дерди. Ниҳоят, хотиннинг ялиниб-ёлворишларидан сўнг бараҳман шундай деди: «Агар мен билан бўлишга розилик берсанг ўзимни ўлдирмайман. Акс ҳолда ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам ўзимни ўзим ўлдираман! Сени ҳам мендан кейин қўймайдилар ва менинг қонимнинг уволи сени бўйнингда қолиб, хонадонинг қиёматгача бадномликда машҳур бўлгай!

Хотин зарурат юзасидан бараҳманга розилик берди ва маишат асбобини муҳайё қилиб, ўша кунни лаззат ва роҳатда ўтказдилар. Бараҳман кетгач, бу воқеадан қўшни хабар топиб, хотиннинг олдига кириб: «Бу қандай шармандачилик ва расволик, қандай ноаҳиллик ва енгил табиатлиликки, сенинг ишқингда шаҳарнинг улуғ кишилари куйиб, тунларни бедор ўтказсалару сен бўлсанг бир гадо билан ҳамсуҳбат бўлсанг. Ёш йигитлардан бири бир неча вақтлардан буён сенинг висолингга етишмоқ орзусида юрибди. Йигит мени сенга воситачи қилган эди. Аммо мен буни сенга айтишдан ибо қилиб юрган эдим. Агар уни висолингдан баҳраманд қилишга розилик берсанг, у ҳолда бу сир пинҳонлигича қолади. Акс ҳолда бу сирни эрингга ошкор қиламан», деди.

Шундан сўнг, хотин унга розилик берди ва қўшнисининг уйига борди. Қўшниси унинг васлига муштоқ эди. Ярим кечагача ишратда бўлдилар. Тун яримдан ошгач, бараҳман хотиннинг эшиги олдига келиб фарёд қилди. Канизаклар эшик очдилар, бараҳман ичкари кириб, хотинни кўрмагач, норозилик билдириб, фарёд қила берди. Канизаклар шармандаликдан чўчиб, бараҳманни тинчлантириб, хотинга хабар бериш учун унинг олдига келдилар. Бечора хотин бу хабарни эшитиб, ҳуши бошидан учди. Хотин қўшнисини тинчлантириб, иккинчи ошиғидан узр сўраб уйига чиқди ва калтак ушлаб турган бараҳманга кўзи тушди. Бараҳман эса келиб хотинни калтаклай бошлади. Бечора хотин фарёд қиларди. Шу пайт хотиннинг эри эшикдан кириб келди. Бараҳман ҳайрон бўлиб хотиндан сўради: «Энди нима қиламан, чораси қандай бўлади?»

**(Давоми бор).**

**Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.**

## БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

# Бошқотирма




**Жавоблар катакларга «занжир» ҳолида ёзилади.**

1. Тўй, гаштакларда халқ оғзаки ижоди асосида айтиладиган қўшиқ. 2. «Янги Ҳиндистон бунёдкори» номи билан машҳур сиёсий арбоб, давлат раҳбари. 3. Қизилқум чўлидаги кончилар шаҳри. 4. Юқори сифатли мўйнали йиртқич. 5. Аждодлари ватандошимиз бўлган, Ҳиндистонда 1643—1721 йилларда яшаб ўтган ғазалнавис шоира. 6. Табобат ва саноатда ишлатиладиган сариқ тусли кимё моддаси . 7. Субҳидам, пайт. 8. Эртапишар ҳўл мева. 9. Ёпишқоқ модда. 10. Тошкентдаги шифобахш маъдан сувли оромгоҳ. 11. Фикр, мулоҳазани тасдиқловчи нарса, асос. 12. Алишер Навоий достонидаги Қайснинг севгилиси. 13. Юнон афсоналаридаги фазогир. 14. Иш мўлжали, тартиб. 15. Ўзбек халқ достони.

Энди жавоб сўзларидаги биринчи ҳарфлар билан шакл айланаларидаги рақамларни алмаштириб очқични ҳал этинг.

**Муаммонома**

Очқичдаги ҳарфлар жойлашишига мувофиқ, шаклнинг пастки қисмидаги айланаларда кесишган чизиқларни мос ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ечинг. Уларни қаторлар бўйича ўқиш билан сўз ҳақидаги икки мисра ҳикматни билиб оласиз.

**Тузувчи**
**Фозилжон ОРИПОВ**

**Газетанинг шу йил 14 февраль сонида берилган бошқотирманинг жавоблари:**

**Ёйлар бўйича ўнгга:** 9. «Арсенал». 10. Лигроин. 11. Нақорат. 12. «Тошкент». 13. «Тановар». 14. Рулетка. 15. Аҳмедов. 16. Варшава.

**Диоганал бўйича ўнгга:** 1. Бензин. 2. Маориф. 3.Мармар. 4. Квебек. 5. Буваки. 6. Матбаа. 7. Мадрас. 8. Краков.

**Диагонал бўйича чапга:** 1. «Бўстон». 2. Магнит. 3. Муққий. 4. Каштан. 5. Бункер. 6. Малика. 7. Мемуар. 8. Куртак.

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1. «Сегоҳ». 2. Рим. 3. Сиёҳ. 4. Мева.

**Ҳикмат:** Ҳаё — севги ҳамроҳи.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 7587 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-108. Топширилди 11.25 1 2 3 4 5 6